

ТУРКИСТОН МАЪРИФАТЧИЛИК МАКТАБИ-ФИДОЙИЛАРИ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев амалга ошириш лозим бўлган асосий вазифалардан бири сифатида: "... тарихимиз, маданиятимиз, динимизга алоқадор бир варақ қўлёзма бўлса ҳам уларни тўплаб халқимизни, ёшларимизни таништириш, бизнинг қандай буюк ва бетакрор меросимиз борлигини англаш, фарзандларимизни шу улуг меросга муносиб этиб тарбиялашдан иборат", -деб айтган гаплари айниқса ижтимоий гуманитар фанларни ривожлантиришда бош гоя бўлиб хизмат қилади деган умиддамиз.

А.А.Тожибоев

**Тошкент Тиббиёт академиясини профессори,
Халқаро "Қадимги Дунё" илмий академияси академиги**

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола Марказий Осиё Минтақасида XIX асрнинг охири XX асрнинг биринчи ярмидаги зиддиятли шароитларда Туркистон Зиёлийлари ҳамда **жадидчилик** ҳаркати намоёндаларининг босиб ўтган машаққатли йўллариغا бағишланади.

Калит сўзлар

Жадид, даҳо, маёқ, миллий уйғониш, миллий озодлик, мустабт тузум, гумдон, империя, маъфрат, нажот, марказбоп, маърифат.

"Тарихни яхши билмасдан туриб, юксак маънавиятга эришиш мумкинми? Албатта мумкин эмас! Маънавиятни тиклаши, тугилиб ўскан юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд қўтариб юриши учун инсонга албатта тарихий хотира керак".

Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.А.Каримов

Муқаддас мамлакатимизнинг озодлиги, эркинлиги йўлида, бағри кенг ва меҳнаткаш халқимизнинг ор-номусини, кадр-қимматини, миллий урф-одатларини, анъаналарини ҳимоя қилишда ҳамда босқинчиларга қарши курашда ўз жонини қурбон қилган инсонлар ҳар бир шахснинг қалбида абадий сақланиб қолади.

Собиқ мустабит тузими даврида жуда кўплаб бегуноҳ инсонларнинг умри ҳазон бўлганини, қанчадан-қанча оилалар ҳонавайрон бўлиб, қанчадан-қанча гўдаклар етим бўлиб қолганини ҳозирги авлод эсдан чиқаргани йўқ. Шунингдек, бундай мудҳиш воқеаларни келажак авлод ҳам ҳеч вақт унутмаслиги керак.

Ҳар даврнинг ўз фидойи маърифатпарварлари бўлади. Мутафаккир Аҳмад Дониш Бухоро давлатининг Россияга юборилган элчисининг мирзаси сифатида биринчи марта 1857 йилда Санкт-Петербургга боради. Орадан ўн икки йил ўтгач, яъни 1869 йили яна хизмат юзасидан Россия империяси пойтахтида бўлади. Бу сафар Бухоро амирлиги мустақил давлат эмас, балки вассал эди. Элчига унинг мулозимларига, шунингдек, элчининг мирзаси Аҳмад Донишга ҳам илгаридек муносабат кўрсатилмайди, чунки энди булар тобеъ, қарам эдилар. Бундан таъсирланган Аҳмад Дониш **"Биз ўзбеклар қачонгача ғафлат уйқусида ётамиз, қачон қоқоқликдан қутиламиз"** – деб куюнади ва бу қоқоқликдан қутилиш йўли ҳам, ғафлат уйқусидан уйғониш йўли ҳам битта **маърифатда** деган хулосага келади. Халқни маърифатли бўлишга чақиради.

Мамлакатимизнинг маърифатпарварлик тарихига назар ташланадиган бўлса, Туркистон маърифатчилиқ мактаби бой ўтмиш ва меросга эга. Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхон ўғли, Абдулқодир Шакурӣ, Ашурали Зоҳирий Хози Мўъин, Сиддиқий-Ажзий, Саидрасул Саидазий, Исҳоқхон Иброт, Абдулла Қодирий XIX аср охирларида фаолият бошлаб, халқни миллий зулм ва қашшоқликдан халос этишнинг ягона йўли маърифат деб

билдилар. Бу фидоий инсонлар жаҳолатга, маънавий қуллик ва зулм-зўравонликка қарши бор кучлари билан курашганлар.

Ўлкамизда ҳур фикрнинг, миллий фикрнинг уйғонишидан чор ҳукумати ҳавфсираган. Чунки, мустамлакадаги халқнинг миллий онги уйғонса, оқу-қорани таниса, оқибатда мустамлакачилик зулмига қарши кураш бошлаши муқаррар.

Лекин сиёсий жиҳатдан етук миллий маърифатчиларимиз бу ҳаракатнинг остида ёвуз мақсад мавжудлигини ўз вақтида англадилар ва унинг моҳиятини фош қилдилар. Масалан, бу ўринда Бехбудийнинг қуйидаги сўзларини эслаш лозим: “Рус-Тузем мактабларида ўқиганлар зиёли тугул ҳаёли ҳисобланмайдилар. Улар фақат рус бўлиб русча чаласавод кишилардир...”

Туркистон жадиждларининг кўзга кўринган намоёндаларидан бири Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли ўз дўстлари ёрдамида 1918 йил **Туркистон алқ университетини очди**. Унда юртига садоқатли, халқ хизматида камарбаста миллий кадрлар таълим-тарбия кўра бошладилар. Бундан хабардор бўлган Москвадаги раҳбарлар саросимага тушиб қолди. Чунки, марказ ўз мустамлакасида миллий кадрлар пайдо бўлишидан ҳавфсирарди, ўзини-ўзи таниган зиёлилар бир кунмас бир кун мустақилликни талаб қилиб қолишлари, халқ оммасига етакчилик қилишлари мумкин эди. Шундай ҳолатни олдини олиш мақсадида Ленин тезликда Туркистон халқ университетини ёпиб, **Туркистон давлат университетини** очишга қарор қилади. Тошкент шаҳрида шундай университет очилди ҳам, лекин муаллимлар фақат марказдан юборилди. Уларга марказ сиёсатини талабалар онгига сингдириш, марказбоп кадрларни тайёрлаб вояга етказиш каби муҳим вазифалар юклатилган эди. Университетга ерли халқ вақлларида деярли талаба қабул этилмайди 1920-1921 ўқув йилида 200 дан ортиқ талаба таълим олган бўлса, шулардан атиги 3 нафари ерли халқ вақллари бўлган.

Булардан бирини сарт деб, иккинчисини қирғиз деб, учинчисини майда миллат деб ҳужжатларда ёзилган. Аслида сарт дегани ўзбек, қирғиз дегани қозоқ, майда миллат дегани бухорий яхудий бўлган. Шундай қилиб илмга чанқоқ ёшларга таҳсил йўллари беркитиб қўйилди. Лекин, юрагида ватанпарварлик туйғуси кучли бўлган айрим раҳбарлар ёшларни чет элларга асосан европага юборишга ҳаракат қиладилар. уларга маърифатпарвар бойлар маблағ билан ёрдамлашадилар ва 1920-1922 йилларда 300 га яқин талаба чет элларга ўқишга юборилди. Уларнинг кўпчилиги тиришқоқлик билан илм оладилар, олий маълумотга эга бўладилар. Аммо қисматлари оғир кечади. 1927 йилгача Туркистонга қайтганлари тўғридан-тўғри гумдон қилинади, соғ қолганлари 1937-1938 йилги қатағонга учрайди.

Қузғал халқим етар шунча жабру жафолар
Ол байроғингни қалбинг уйғонсин.
Қуллик, асорати барчаси ёнсин,
Қур янги давлат, ёвлар ўртасин.
Ўсиб Туркистон қадин кўтарсин,
Яйраб, яўнат, ўз ватанинг гул боғларингда
Чулпон

Мунча хўрлик билан ётибсан?!
Давлатнинг иззатинг йўқ қўлингда.
Бошқача қул бўлиб қолибсан,
Турк эли тургин эди!
Фитрат

Фойдаланилган адабиётлар

1. Камалов С.К ва бошқалар Тўрткўл-Қорақалпоқистоннинг биринчи пойтахти. Нукус. 1993.
2. Ҳасаний Мажид “Юрт бўйнидаги қилич” Тошкент. 1996.
3. Турсунов И “Истиқлолга интилган қалблар нидоси”. Тошкент. 1993.
4. Ўзбекистон республикаси энциклопедияси. 1997.
5. Тожибоев А. А., Ортиқов Н. Е. “Ўзбекистон халқининг маънавий камолоти фидойилари-жадидчилик ҳақида. Тошкент. 2003.